Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 25-sentabr • Payshanba • 118 (27.923) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади».

✓ ЎзХДП: устувор вазифалар

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўмининг on-line конференц-алоқа шаклида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш, партиянинг тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштириш, электорат манфаатлари йўлида партия Устав фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни амалий ишларга қаратиш масалалари муҳокама қилинди.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП МК Ижроқўми аъзолари билан бир қаторда, минтақавий партия кенгашлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, халқ депутатлари вилоят, айрим туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари ва аъзолари, ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидлаб ўтилдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик модернизациялаш ва кўппартиявийликка асосланган парламент демократияси, вакиллик институтларини яратиш борасида катта натижаларга эришилди. Айниқса, мамлакат Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан демократик ислоҳотларни изчил амалга оширилиши натижасида одамларнинг ҳуқуқий онги ва фуқаролик фаоллиги юксалиб бораяпти. Мамлакатда сиёсий партиялар самарали фаолият кўрсатиши учун умумэътироф этилган демократик стандартларга жавоб берувчи меъёрий-ҳуқуқий нормалар яратилди. Демократик сайловлар асосида шаклланадиган давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида сиёсий партияларнинг роли босқичма-босқич ошмоқда. Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида сиёсий партиялардан сайланган депутатлик бирлашмаларини шакллантириш учун яратилган зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар асосида ушбу депутатлик бирлашмалари жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиб келяпти.

Шу жараёнда ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг ҳам ҳиссаси борлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди. Хусусан, партия депутатлик бирлашмалари ҳудудий Кенгашлар сессияларида ташаббуслар билан чиқиш, партия электорати манфаатига жавоб берадиган муҳим масалаларга давлат ҳокимияти органлари эътиборини қаратиш борасида муайян тажриба тўпладилар. Кўплаб маҳаллий Кенгашларда партия депутатлик гуруҳлари томонидан маҳаллий бюджетлар лойиҳалари ва уларнинг ижроси тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилиш амалиёти қарор топди. Айрим ҳудудлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий йўналтирилган Фармон ва Қарорлари, давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан ташаббуслар билан ҳам иштирок этиб, улар ижросини назорат-таҳлил қилиш механизмидан самарали фойдаланяпти.

Масалан, Наманган шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 2008-2009 йиллар кузги-қишки мавсумига шаҳар уй-жой хўжалигини тайёрлаш тўғрисидаги масала батафсил ва принципиал равишда кўриб чиқилди. Термиз шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи қатор аъзолари сўрови билан Тараққиёт кўчаси ва Тупроққўрғон маҳалласида коммунал хизмат кўрсатиш масаласи бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу масала ижобий ҳал этилди. Навоий вилояти Навбаҳор туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Бешработ шаҳарчасидаги стадионни реконструкция қилиш масаласи кўтарилиб, муҳокамага қўйилди. Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссияларда қатор ижтимоий масалалар кўриб чиқилиб, ҳал қилинди.

Муҳокама жараёнида мамлакатимизда демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб, сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва таъсири ортиб бораётган бугунги шароитда партиямизнинг марказда ва жойларда аҳолининг хоҳиш-иродасини ифодаловчи, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир кўрсатувчи воситасига айланишига алоҳида эътибор қаратилди. Чунончи, аҳолининг онгу тафаккурида рўй берган туб ўзгаришлар, кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилининг ҳаётимизга чуқур сингиб бораётгани, барча жабҳаларда барқарор ривожланиш жараёни ҳам ана шундан далолат беради.

2-бет >

ЯПОНИЯ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУТЛАЙДИ

Япония пойтахти Токиода Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан ташкил этилган анжуманда Япония сиёсий ва ишбилармон доиралари ҳамда жамоатчилик вакиллари, Токиода аккредитациядан ўтган дипломатия ваколатхоналари ходимлари, Жаҳон сайёҳлик ярмаркасида иштирок этиш учун бу ерга келган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Ўзбектуризм» миллий компанияси делегацияси иштирок этди.

Қатнашчилар юртимиз мустақиллиги куни муносабати билан халқимизга ўз эзгу тилакларини изҳор этди.

Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири, парламент депутати Тошихиро Никаи мамлакатимизнинг ютуқ ва муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда иқтисодий тараққиётнинг барқарор натижаларидан мамнуният изҳор этди.

Т.Никаи икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш ҳақида гапириб, сўнгги йилларда Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат, шунингдек, молия вазирларининг Ўзбекистонга ташрифлари бўлиб ўтгани, Тошкентда мунтазам равишда турли бизнес-форумлар ўтказиб келинаётгани, бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида «Сармояларни эркинлаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳукуматлараро битим имзоланганига алоҳида эътибор қаратди.

«Мицуи ва Ко., ЛТД» компанияси раҳбари, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси раиси Набуо Охашининг таъкидлашича, истиқлолнинг ўтган 17 йили давомида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидан ишонч билан одимлаб, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида эътиборга молик натижаларни қўлга киритди. Бу эса Президент Ислом Каримов раҳбарлигида танланган тараққиётнинг миллий модели тўғри эканлигидан далолат беради.

Н.Охаши Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг янада ривожига тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Япония сармоялари Ўзбекистоннинг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, экспорт маҳсулотларини диверсификациялаш ва ташқи савдо айланмаси ҳажмини кўпайтиришга қаратилган иқтисодий тараққиёт стратегиясини амалга оширишга хизмат қилади».

Тадбир давомида меҳмонлар эътиборига истиқлол йилларида мамлакатимизда эришилган ютуқлар, шунингдек, халқимизнинг бой маданияти ва тарихи, сайёҳлик салоҳияти, тарихий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар намойиш этилди. Махсус стендларда ўзбек миллий либос ва матолари, миллий чолғу асбоблари, шунингдек, халқ амалий санъати асарларидан намуналар намойиш этилди.

«Жаҳон» АА.
Токио.

МАМЛАКАТЛАРАРО ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛИ

Россиянинг «Газпромавиа» компанияси томонидан Москва-Нукус-Москва йўналишида навбатдаги рейс очилди

— Биринчи рейс 2006 йилнинг 23 март куни очилганди, — дейди Нукус аэропорти директори Кенжабой Худойбергенов. — Бундай рейслар, биринчидан, аҳолининг ҳаво транспорти хизматидан фойдаланишга бўлган талабини қондирса, иккинчидан, мамлакатлараро дўстлик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди. Демакки, бизнинг янги ҳаво йўлимиз ҳам Ўзбекистон — Россия ўртасида давлатлараро ва халқларимизнинг мустаҳкам ҳамкорлик муносабатларига хизмат қилади...

«Газпромавиа» компанияси Россия авиакомпаниялари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳонда кўплаб давлатлар ҳозир мазкур компаниянинг замонавий хизматларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Шу кеча-кундузда (ҳар ҳафтанинг шанба кунидан ташқари) қорақалпоғистонлик йўловчилар ҳам Москва — Нукус — Москва рейси хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Қувончли жиҳати, яқин кунларда Москвага яна бир янги рейс очилиши кутилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Нигоҳ

Иккинчи мақола

КАМОЛОТНИНГ ЕТТИ РАНГИ

Баҳор чоғларида кўзимизни яшнатадиган камалак ўзида етти рангни мужассам этгани учун ҳам гўзал ва жозибалидир. Юртимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни йўналишига кўра, битта қудратли дениздга қуйиладиган еттита дарёга қиёсласак, асло хато бўлмайди.

Юртбошимиз раҳнамолигида биринчи ўн йилликда ўтмиш сабоқлари, ўтиш даври тажрибалари ва истиқбол талабларидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларни **сиёсий, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, суд-ҳуқуқ, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳасида** амалга оширишнинг пухта ва пишиқ стратегияси ишлаб чиқилди ҳамда амалга оширилмоқда. Бир қарашда бу йўналишларнинг ҳар бири ўзича мустақил кўринса-да, аслида бир-бири билан мантиқий жиҳатдан узвий ва чамбарчас боғланиб кетгандир.

Давлатимиз раҳбари истиқлолнинг илк кунларидаёқ жамиятимизда амалга оширилаётган янгиланишларни ортиқча шов-шувларсиз, шошмашошарликсиз, пала-партишликка йўл қўймасдан, вазминлик, босиқлик ва донолик ҳамда сабр-чидам билан рўёбга чиқариш мақсадида «Янгисини қурмай туриб, эскисини бузмайлик», деган шиорни ўртага ташлади ва уни илмий-назарий жиҳатдан асослаб берди, буни ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик давлат қуриш тамойили эски тузумнинг давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодий-ижтимоий соҳаларга раҳбарлик борасидаги ўз даврини ўтаб бўлган тутумларидан, меросидан ва асоратларидан мутлақо воз кечишни тақозо этар, аросатда қолиш эса ҳалокат билан баробар эди.

Аммо, етмиш уч йил давомида шаклланган иқтисодиёт тармоқларини, раҳбарлик усулини бирданига бузиб ташлаш, энг муҳими, юртдошларимизнинг онгига синган фикр ва тушунчаларни ўзгартириш, қонига синган кўникмалардан воз кечтириш ҳам осон эмасди.

2-бет >

ГУЛИСТОН МОТОЦИКЛЛАРИ

Гулистон шаҳридаги «Пана» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида тайёрланган дастлабки мотоцикллар сотувга чиқарилди. Уч ғилдиракли ушбу ихчам юк ташиш транспорти ҳар томонлама қулайлиги, замонавий кўринишга эгалиги билан харидорларда қизиқиш уйғотмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу транспорт 800 килограммгача юк кўтаради, Бундан ташқари юз километр масофага бор-йўғи 2,8 литр бензин сарфлайди.

Элликдан зиёд киши иш билан таъминланган «Пана» қўшма корхонаси бир кунда 30 донагача мотоцикл ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада ҳозирча Хитойдан келтирилган эҳтиёт қисм ва деталлардан мотоцикл йиғилаётган бўлса, тез орада бу эҳтиёт қисм ва деталларни шу ернинг ўзида тайёрлаш мўлжалланмоқда.

Мунаввар ПАРДАЕВ

МАҲСУЛОТ ТЎЛА ҲАЖМДА ЭКСПОРТГА

«Яккабоғтекс» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бир йилда 2800 тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди

Корхонада модернизация ишлари жадал давом этмоқда. Шу йилнинг ўтган олти ойи ичида 250 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестиция киритилиб, ўттизта янги иш ўринлари яратилди. Йил охиригача яна 560 минг долларлик инвестиция киритилиши ва қўшимча қирқта муқим иш жойлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Биргина мисол, чет эл инвестициясининг тўғридан-тўғри киритилиши бу ерда Германияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар билан таъминланган янги ип йигирув цехининг барвақт ишга туширилишига катта имкон берди.

Муҳими, бугунги кунда корхона ип-калава маҳсулотлари тўлалигича экспорт қилинмоқда. Йил охиригача мазкур кўрсаткич 4 миллион долларлик миқдорга етади.

Суратларда: корхонанинг янги ишга туширилган ип йигирув цехи; бош технолог Аслам Эшбобоев ва лаборант Насиба Худойқулова маҳсулот сифатини кузатмоқда.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

• ҲАЁТ ЙЎЛИДА БИРИНЧИ МАСАЛА — МАКТАБ МАСАЛАСИДИР 2

• ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ 3

• МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

• ЯНГИ «ЁШЛАР МАРКАЗИ» 4

• СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИДА ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилиш айнан бугун кун тартибига чиққани бежиз эмас. Халқимиз, электоратимизни бугун қуруқ гаплар ёки номига фаолият юритиш билан ишонтириб бўлмайди. Одамларда бугун талабчанлик юқори, ўзи аъзо бўлган партиядан, сайлаган депутатдан амалий иш, аниқ ташаббусни кутмоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда ЎзХДП депутатлик гуруҳлари бирмунча фаол ишламоқдалар. Лекин, улар олдида турган масалалар, вазифалар талайгина. Аввало, биз — ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақавий бандлик дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлашда ўрнак бўлишимиз талаб этилаяпти. Масалан, «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ҳар бир вилоятда бажарилиши, ёш оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилишига доимий равишда кўмаклашиш, бу масалаларни жойларда ўрганиб, таҳлил қилиш ҳар бир депутатимизнинг бурчи ва вазифаси. Шу билан бирга, партия кенгашлари, қўйи бўғини билан мустаҳкам ҳамкорликка, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида депутатларнинг узлуксиз иштирок этишига эришишимиз лозим. Бу эса ишимизнинг самарали натижасига хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши бу борада сиёсий партиялар учун муҳим ҳуқуқий мезон яратди. Ушбу қонун асосида маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари учун юзага келган ваколат ва шу билан бирга, катта масъулият улар фаолиятида ташаббускорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, депутатлик гуруҳлари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади. Депутатлик гуруҳлари эътиборини жойлардаги муаммолар ечими, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оширишга қаратилган аниқ дастур ва таҳлилларни дадил кўтариб чиқишга қаратиш лозим бўлади. Зеро, улар қонунчиликка мувофиқ, давлат ҳокимияти вакиллик органларида партия сиёсатини олиб боришнинг асосий ташкилий воситасидир.

Шундан келиб чиқиб, иштирокчилар халқ депутатлари барча вилоят, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилар экан, уларнинг ишида ҳали яхлит тизим етишмаслиги, яратилган ҳуқуқий ваколатлар механизмидан самарали фойдалана олмаётганига эътибор қаратдилар. Муҳокама давомида халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди ва уларнинг 2005-2008 йиллардаги фаолияти танқидий таҳлил этилди.

Бугун халқ депутатлари мазкур вилоят Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ишида бироз жонланиш сезилган билан, улар фаолиятида давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ваколатига кирадиган устувор ижтимоий вазифаларни изчил бажарилишини таъминлашда қатъийлик ва принципиаллик етишмаётгани алоҳида қайд этилди. Ваҳоланки, бу вилоятларда ҳал этилиши лозим бўлган қатор ижтимоий муаммолар мавжуд. Хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, қишлоқ туманларида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, касаначилик ҳисобига меҳнатга қобилиятли аҳолини бандлик даражасини оширишдаги камчиликлар шулар сирасига киради.

Қайд этилдики, ушбу ва бошқа камчиликлар юзасидан мамлакатимиз Президенти томонидан 2006 йил октябрь ва 2008 йил февралида бўлиб ўтган халқ депутатлари Андижон ва Хоразм вилоят Кенгашлари сессияларида танқидий мулоҳазалар билдирилган эди. Афсуски, шундан кейин ҳам депутатлик гуруҳлари бу муаммоларга эътибор қаратиш, мавжуд аҳволни яхшилаш мақсадида, тегишли масалаларни ўрганиш ҳамда Кенгаш сессияларига аниқ таклифлар киритиш юзасидан ўзларига тегишли хулосаларни чиқариб олмади. Шунингдек, бошқа вилоятлардаги ЎзХДП айрим депутатлик гуруҳлари раислари ҳам жойлардаги ижроия ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари билан «муносабатни бузмаслик»ни афзал кўриб, ижтимоий аҳамиятга эга қонунлар, мамлакат Президенти Фармон ва Қарорларининг сўзсиз бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан ўзларини четга олмоқдалар.

Йиғилишда шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ЎзХДП депутатлик бирлашмалари фаолияти борасида ҳам танқидий фикрлар билдирилди.

Мавжуд аҳволни тубдан яхшилаш мақсадида Марказий Кенгаш Ижроқўми қабул қилган қарорида Андижон ва Хоразм вилоят ҳамда бошқа минтақавий партия кенгашлари ижроия қўмиталарининг тез кунларда ўтказилиши лозим бўлган йиғилишларида депутатлик гуруҳларининг ахборотларини эшитиш, қайд этилган ва барча бошқа камчиликларга принципиал баҳо бериш, керак бўлса, гуруҳ раҳбарларини ташаббускор ва ғайратли депутатлар билан алмаштириш бўйича қатъий вазифа қўйилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Ғуломов Ижроқўм йиғилишини якунлар экан, «ЎзХДП барча депутатлик бирлашмалари фаолиятини 2008 йилдаёқ тубдан яхшилашга эришиш, улар ташкилий салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бош вазифадир, — дея таъкидлади. — Партиянинг бу масаладаги асосий сиёсий манфаати маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари жойларда устувор ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган Қонунлар, мамлакат Президенти Фармон ҳамда Қарорларини оғишмай ва ўз вақтида бажарилишига кўмаклашишларидан иборатдир. Ушбу вазифа бажарилмаса, сайловчиларга 5 йил давомида электорат учун нималар қилганимизни тушунтириш қийин бўлади. Зеро, айни электоратнинг қўллаб-қувватлаши туфайли партиямиз ўтган сайловлар якунлари бўйича халқ депутатлари барча Кенгашларида ўз депутатлик гуруҳларини шакллантиришга эришди».

●●●

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларида мазкур йиғилишда қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бўйича ташкилий ишлар бошлаб юборилди. Маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларининг 2008 йил IV чораги ва 2009 йилга иш режалари қайта кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон ХДП Марказий ва маҳаллий кенгашлари экспертлар гуруҳларида партия депутатлик бирлашмаларига методик ва ташкилий-ҳуқуқий кўмак бериш масалалари кўриб чиқилаяпти.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Маматвали ТУРҒУНОВ, халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроқўмининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган масалалар бугунги кунда партиямиз учун қанчалик долзарб экани барчамизга аён. Чунки бугун биз амалга ошираётган ишлар яратилган ҳуқуқий шароит ва имкониятларга тўла жавоб беради, дея олмаймиз. Йиғилишда билдирилган фикрлар, ўйлайманки, ҳар бир депутатни мулоҳаза юритишга, ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилишга ундади. Шахсан мен ўзим депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида фойдаланилмаётган имкониятларимиз кўплигига, қўйилаётган масала халқимиз, электоратимиз манфаати учун қанчалик аҳамиятга эга эканига амин бўлдим. Менимча, депутатлик гуруҳлари олдига қўйилаётган вазифалар ҳаётий ва уларнинг бажарилишига халқ ишонч билдирган ҳар бир депутат масъулдир.

✓ **Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир**

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛСА...

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, инсон болалик, ўсмирлик даврларида қандай шакланса, бутун умр йўли шундай ўтар экан. Демак, келажагимиз пойдевори бевосита мактаб билан боғлиқ экани оддий ҳақиқат. Шу маънода, пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 244-мактабда ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бирга, уларни касбга тайёрлаш, дастлабки касбий кўникмалар шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ибратлидир.

— Илм даргоҳимизда 1500 дан ортиқ ўқувчи ўзбек ва рус тилларида таҳсил олади, — дейди мактаб директори Феруза Мадаминова. — Уларга 68 нафар тажрибали устоз-мураббий ва ёш ўқитувчилар сабоқ беради. Ўқувчиларга нафақат умумий ўрта таълим бериш, балки касбга тайёрлаш, йўналтириш ҳам бизнинг бурчимиздир. Шунинг учун бу ерда деярли ҳар бир устоз биттадан тўгаракка раҳбарлик қилади. Миллий каштачилик, дурадгорлик, бичиш-тикиш, юмшоқ ўйинчоқлар, компьютер саводхонлиги, спортнинг турли соҳалари, фан тўгараклари доимий ишлаб турибди. Ўқувчиларимизнинг мактаб таълимини яхши ўзлаштираётгани, устоз-шогирдлик асосида ҳунар сирларини қунт билан ўрганаётганини кўриб, кўнглимиз осмон қадар юксалади...

Ҳа, айтганча, бу даргоҳда ишлаётган мураббийларнинг 25 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоларидир. Яқинда улар сафига яна беш нафар ёш ўқитувчи қўшилди. ХДП Ҳамза туман кенгаши ва мактаб жамоаси ўртасида яхши ҳамкорлик ўрнатилган.

— Шу партиянинг электорати эканмиз, у билан доимий ва мустаҳкам алоқада бўлмоғимиз керак, — дейди партия сафига кирган ёш муаллима Мамлакат Абдувалиева. — Партия ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси бизнинг манфаатларимизни кўзлаб фаолият юритаётганидан хабардорман. Хайрихоҳлар ва сиёсий партия ўртасидаги ҳамкорлик қанча кучли бўлса, кўзлаган мақсадларга етиш ҳам шунча осон бўлади, деб ўйлайман. Шуларни ҳисобга олиб, ХДП аъзоси бўлишга қарор қилдим.

Беҳзод ШУКУРОВ
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«БУХОРОҒЎШТ» КОНСЕРВАЛАРИ

савдо пештахталаридан ўрин олди

«Бухорогўшт» масъулияти чекланган жамият жамоаси Польшанинг «Techmar» ҳамда Италиянинг «Panini WSA» компаниялари билан ҳамкорликда гўштли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйишди. Ҳозир бу ерда соатига ҳар бири 325 грамм оғирликда 5000 донагача гўштли консервалар тайёрланаётир.

— Дастлаб маҳсулотимизни ички бозорга чиқарамиз, — дейди МЧЖ ижрочи директори Саҳоб Вафоев. — Келажакда Афғонистон, Қозоғистон каби давлатларга экспорт қилишни ҳам мўлжаллаганмиз. Яна бир жиҳати, цехимиз ишга тушиши билан қўшимча 20 та янги иш ўринлари яратилди.

Даврон БАҲРОНОВ

Нигоҳ

КАМОЛОТНИНГ ЕТТИ РАНГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мустақил мамлакат озод инсонлар томонидан қурилса, ҳар томонлама мустаҳкам бўлади. Инсоннинг чинакам озодлиги эса ҳар бир фуқаронинг мамлакат сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги фаоллиги билан, айни пайтда унга ўз ҳуқуқ ва эркинларидан тўлиқ фойдаланиши учун қонуний кафолат яратилиши билан белгиланади.

Шунинг учун **сиёсий соҳадаги ислоҳотларнинг** мазмун-моҳиятини, энг аввало, юртдошларимиз кўнгли ва онгида озод инсонлик, эркин фуқаролик туйғусини тарбиялашга ва шунга зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилди. Бунинг учун кўп партиялик тамойилига кенг йўл очилди. Турли ижтимоий табақаларга мансуб фуқароларнинг ўз фикри, хоҳиш-иродаси ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда, танлаган сиёсий партиялари сафига уюшиши, унинг ғоя ва дастурини қўллаб-қувватлашлари учун ҳуқуқий иқлим яратилди.

Мана шу жарраёнда пайдо бўлган ва сафига юз минглаб аъзоларни ҳамда хайрихоҳларни бирлаштирган сиёсий партиялар мустақиллик йилларида мамлакатимизда ўтказилган сайловлар ва референдумларда турли соҳа вакиллари хоҳиш-иродасининг ўз дастурларида мужассам этган энг муносиб номзодларини депутатликка ва мамлакат Президентлигига кўрсатишга, уларни қўллаб-қувватлашга қодир кучга айланди. Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари эса партияларга уюшмаган кенг жамоатчиликнинг иродасини намоён қилиши, ўз номзодларини барча даражадаги ҳокимият вакиллик органларига, ҳатто давлат раҳбари лавозимига кўрсатиш ҳуқуқи қонун билан белгилаб берилди.

Бундан ташқари, турмуш тарзи, ижтимоий нуфузи, шуғулланадиган соҳаси, жинси ва ёшига кўра барча фуқароларга ихтиёрий тарзда жамоат бирлашмалари, жамғармалари, фондлари, ҳаракатларини ташкил қилишлари учун тўлиқ эркинлик яратилди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва яна бир қатор ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларга берилган эркинликнинг самараси сифатида пайдо бўлди ва фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу сингари республика, вилоят, шаҳар ва туманларда тузилган, адлия идоралари томонидан рўйхатга олинган ўнлаб, юзлаб жамоат бирлашмалари тараққиётимизнинг энг оғир ва мураккаб йилларида давлат ҳокимиятининг таянчи, халқимизнинг мададкори ва суянчи бўлиб хизмат қилди. Хусусан, бугунга келиб ўн мингтага етган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ва жамиятнинг юкини елкасида кўтарган, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, аҳоли ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни асраб-авайлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда бебаҳо аҳамиятга эга эканлигини ўзимиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлолнинг илк кунлариданоқ айрим хорижий мамлакатлардаги ғанимлар ва уларнинг югурдаклари мамлакатимизда мухолифат, инсон эркинлиги ҳақида турли сафсата ва уйдирмаларни пеш қилиб, аюҳаннос солиб келишди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларни жиддий тарзда бир-бирига мухолиф кучлар эмас деган даъволарни қилишди. Сиёсий партиялар тобора мустаҳкамланиб бораётгани, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари, жойлардаги депутатлик гуруҳларининг давлат ва жамият бошқарувида иштироки фаоллашиб бораётгани, ҳар бир партия муқобиллик асосида ҳаракат қилаётгани, ҳар бири ўз ғояси ва дастурига эга бўлган сиёсий кучлар эканини тан олишни исташмади. Бизнинг бош мақсадимиз ва асосий миллий ғоямиз — **юрт ободлиги, мамлакат равнақи, халқ фаровонлигини таъминлаш** ғоясининг муқобили йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзида бутун халқимизнинг орзу-истакларини мужассам этгани боис унга тенг келадиган қарама-қарши ғоя, қўполроқ бўлса ҳам айтиш керакки, «юрт нотинчлиги, мамлакат парокандалиги, халқ қашшоқлигига эришиш» ғоясигина бўлиши мумкин. Лекин, бундай носоғлом фикр, орзу-умидларимизга мутлақо ёт мақсадни ҳеч бир халқ, жумладан, бизнинг юртдошларимиз ҳеч қачон қабул қилмайди ва қабул қилиши мумкин ҳам эмас.

Шунинг учун мавжуд сиёсий партияларда миллий ғояни амалга ошириш йўлида муқобил дастурлар асосида иш кўраётгани битта мақсадга — умумжамият равнақига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 5 мингдан ортиқ нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, 870 дан зиёд газета ва журналлар, 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостудиялари фаолият кўрсатаётгани ҳам сиёсий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан изчил бораётганимизни кўрсатиб турибди.

Сиёсий соҳадаги ислоҳотлар бир тузумдан иккинчи тузумга тинч, осойишта йўл билан ўтишни таъминлаш билан биргаликда **давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги** туб янгиланишларга ҳам ўзига хос замин бўлди. Гарчи, мустақилликнинг биринчи йилиданоқ турли сайлов ва референдумлар демократик тамойиллар асосида — умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида — яширин овоз бериш йўли билан ўтиб келган бўлса-да, 2005 йилда икки палатали парламентни ташкил этиш жараёнида юртдошларимизнинг сиёсий фаоллиги янада ёрқинроқ намоён бўлди. Сафига турли ижтимоий табақа вакиллари ва хайрихоҳларини жамлаган сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатларини танлаш ва сайлаш пайтида аҳолини уюштирувчи куч сифатида майдонга чиқди ва юртнинг энг муносиб ўғил-қизлари ҳокимият вакиллик органларига сайландилар.

Шу тарзда мунтазам ва профессионал фаолият кўрсатадиган Қонунчилик палатаси ва ҳудудлар манфаатларини ҳимоя қиладиган вакиллик органи — Сенатнинг ташкил этилиши тайёрланаётган ва қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукаммаллигини, умумдавлат ва ҳудудлар манфаатларининг мувозанатини таъминлашга эришилди. Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, Республика Президенти ваколатининг бир қисми Сенатга ўтказилди. Бош вазирнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий тартиби белгиланиши демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлди.

Шунингдек, марказий ҳокимият органларининг бир қатор вазифа ва ваколатларини маҳаллий ҳокимиятлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш жараёни изчилик билан давом эттирилмоқда.

Қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти тимсолида мужассамлашган давлат эса барча ижтимоий табақаларни танланган йўналишларига кўра қўллаб-қувватлаб, фаолиятининг ҳуқуқий кафолатини яратиб, ҳар бир фуқаронинг ўз имконияти ва салоҳиятини юзага чиқариши, меҳнатининг самарасини кўриши учун зарур бўлган ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

✧✧✧

Мухтасар қилиб айтганда, ҳилол ва ўн икки юлдуз шуъласи тимсоли порлаган байроғини боши узра озод кўтарган мустақил ўзбек халқи тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлидан порлоқ келажак сари интилиб, тарихи теран миллатнинг парвози ҳам юксак бўлажагини бутун оламга намойиш этмоқда.

Бахтиёр РИЗО

ДЕКЛАРАЦИЯНИНГ ЮБИЛЕЙ НАШРИ

Куни кеча Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб чиқарилган нашр тақдимоти бўлиб ўтди. Унда давлат идоралари ва муассасалари, вазирликлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш энг устувор вазифа ҳисобланади. Президентимиз томонидан шу йил 1 май куни имзоланган махсус Фармонга мувофиқ, юртимизда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга бағишланган тадбирлар дастури амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Фармони тарихий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, ҳозирга қадар БМТга аъзо давлатларнинг биронтасида инсон ҳуқуқлари бўйича бундай олий даражадаги ҳужжат қабул қилинмаган.

Бугунги кунда ушбу ҳужжатда белгиланган тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари ва муассасалари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда.

Инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳозирги замонда инсон эркинликлари кафолатининг буюк хартиясидир. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши халқаро муносабатлар ривожида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига 1991 йилда қўшилган. Декларация қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган. Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълимнинг узлуксиз тизими барпо этилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг нодавлат тизими — фуқаролик жамияти институтлари фаол ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг матни ўзбек тилида 0,5 миллиондан зиёд нусхада чоп этилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда тайёрланган Декларациянинг юбилей нашри бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Равшан ШОДИЕВ

✓ **Газетада босилмади, аммо...**

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи Мухбиба Ҳамидованинг таҳририятга «Сиёб деҳқон бозори» ҳудудида жойлашган хусусий чойхона-дўконини бузмасликларини сўраб ёзган шикоят хати Самарқанд вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Яқинда шаҳар ҳокимлигидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

ЖОЙ АЖРАТИЛДИ

«Самарқанд шаҳар ҳокимлиги Минск кўчасидаги 10-уйда истиқомат қилувчи фуқаро М.Ҳамидованинг мурожаатномаси юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

«Сиёб деҳқон бозори»да олиб борилаётган қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари давлат дастури асосида Самарқанд шаҳрининг бош режаси муаллифи — «ТошкентБошПлани» ЛИТИ томонидан тасдиқланган лойиҳа асосида олиб борилаётганлиги сабабли ушбу ишларни ўз муддатида амалга оширилишига тўсқинлик қилмаслик тўғрисида фуқаро М.Ҳамидовадан сўралиб, бузилишга тушган дўкони ўрнига шаҳарнинг энг нуфузли жойларидан ёки Имом Бухорий кўчасидаги «Сиёб деҳқон бозори» ёнидан жой ажратилиши мумкинлиги маълум қилинди.

Ш.ҲУСАНОВ,
Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари».

XORIJDA

ЛИВАН ТАҲДИДДАН ХАВОТИРДА

Ливан ҳамон таҳдид ва хатарларга тўқнаш келаяпти, шу боис низони бартараф этиш учун халқаро миқёсдаги ёрдам керак, деди мамлакат президенти Мишел Сулаймон БМТ Бош ассамблеясининг Нью-Йоркдаги йиғилишида. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, президент Ливанга таҳдид солаётган асосий манба сифатида Исроилни таъкидлаб кўрсатди. Мишел Сулаймоннинг фикрича, бу таҳдидга қарши туришда халқаро ҳамжамият, жумладан, БМТ Ливанга доим ёрдам берган. «Натижада биз 2000 йил Ливан ҳудудидан Исроил қўшинларини чиқариб юборишга, 2008 йил эса, Исроил қамоқхоналаридан ливанлик асирларни озод этишга эришдик. Аммо Ливан ҳали ҳам халқаро ҳамжамият аралашувини талаб этадиган таҳдид ва хавф-ҳатардан қутулгани йўқ», — деди президент.

Мишел Сулаймон халқаро ҳамжамият Исроилнинг Ливанга қарши янги уруш очишининг олдини олишда, Исроил қўшинлари Ливан ҳудудидан батамом чиқиб кетиши ва Исроил авиацияси мамлакат ҳаво чегараларига дахл қилмаслигида ёрдам беришини сўради. Президент, шунингдек, исроиллик ҳарбийлар Ливан ҳудудига ўрнатган миналар харитасини беришини талаб қилди. Исроил ҳанузгача мазкур харитани беришдан бош тортиб келади. Шу пайтгача миналар портлаши оқибатида 300 нафар ливанлик ҳалок бўлди.

ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

Американинг инқироз ёқасига келиб қолган тўртта молиявий компанияси фаолияти ФБРнинг диққат марказида. Зеро, «Фэнни Мэй»,



«Фрэдди Мэк», Lehman Brothers сармоя банки ва Эй-ай-жи суғурта компаниялари АҚШ иқтисодиётининг таянчидир. Текширувларга компаниялар қалбаки ҳужжатлардан фойдалангани сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Мазкур компанияларнинг инқирозли ҳолати иқтисодий танглик келтириб чиқармоқда, ҳукумат уларга 700 миллиард доллар миқдорида ёрдам пули ажратишга мажбур бўлди. Текширув масаланинг моҳиятини ойдинлаштиради.

SMS-ХАБАР АЛКОГОЛДАН ХАВФЛИМИ?

Машина ҳайдаётиб, SMS-хабар ёзаётган ҳайдовчи алкогол ичимлик истеъмол қилган ҳамкасбидан хавфлидир, деб ёзади Times. Буюк Британия олимларининг аниқлашича, уяли телефонда маълумот ёзиш пайти одамнинг диққати 35 фоизга сусаяди. Алкогол ичимликнинг салбий таъсири эса 12 фоизга тенг. Телефонда гаплашиш билан банд бўлган ҳайдовчи йўлда нотекис ҳаракат қилади. Шу боис ҳайдовчилар йўлда уяли телефондан фойдаланиши таъқиқланди. Аммо британиялик ҳайдовчиларнинг ярми қисқа хабар юбориш учун ҳамон йўлда уяли телефондан фойдаланишаётганини тан олмоқда.

СУТДАН ЗАҲАРЛАНИШДИ

Хитой тергов органлари қуруқ сут ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулот таркибига соғлиқ учун зарарли бўлган меламин моддасини қўшганини аниқлади, деб хабар беради Синьхуа. «Саньлу» компанияси сут таркибидаги оқсил миқдорини кўпайтириш учун шундай йўл тутган. Бу эса, эмизикли болаларнинг ёппасига касалланишига сабаб бўлган.

Хитой Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, жами 53 минг нафар гўдак бу сутдан заҳарланган. Уларнинг аксариятида буйрак шикастланиши кузатилмоқда, чунки меламин буйракда тош йиғилишига олиб келади. Юз берган нохушлик туфайли Хитой Сифатни назорат қилиш давлат бошқармаси раҳбари Ли Чанцзян лавозимидан четлаштирилди. Келгусида яна заҳарланиш рўй бермаслиги учун хитойлик олимлар озиқ-овқат маҳсулотларида заҳарли моддалар бор-йўқлигини билдирувчи махсус қоғоз ихтиро қилди. Хитой технологик университети мутахассисларининг фикрича, қоғоз ёрдамида ҳар бир хонадон маҳсулотни бир зумда текширувдан ўтказиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта Хитой ҳукумати мамлакатдаги барча сут ишлаб чиқарувчи компанияларни текшира бошлади. Ишлаб чиқариш меъёрларига жавоб бермайдиган корхоналар зудлик билан ёпилиши кутилмоқда.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича
ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Янги қурилиш:

1. Жалақудуқ туманидаги 315 ўқувчи ўринли 27-сонли умумтаълим мактаби;
2. Пахтаобод туманидаги 490 ўқувчи ўринли 36-сонли умумтаълим мактаби;

Капитал реконструкция:

1. Андижон шаҳридаги 360 ўқувчи ўринли 34-сонли умумтаълим мактаби;
2. Андижон шаҳридаги 495 ўқувчи ўринли 38-сонли умумтаълим мактаби;
3. Андижон шаҳридаги 270 ўқувчи ўринли 39-сонли умумтаълим мактаби;
4. Олтинкўл туманидаги 660 ўқувчи ўринли 10-сонли умумтаълим мактаби;
5. Олтинкўл туманидаги 765 ўқувчи ўринли 15-сонли умумтаълим мактаби;
6. Олтинкўл туманидаги 360 ўқувчи ўринли 32-сонли умумтаълим мактаби;
7. Андижон туманидаги 480 ўқувчи ўринли 32-сонли умумтаълим мактаби;
8. Андижон туманидаги 315 ўқувчи ўринли 45-сонли умумтаълим мактаби;
9. Асака туманидаги 290 ўқувчи ўринли 21-сонли умумтаълим мактаби;
10. Асака туманидаги 390 ўқувчи ўринли 22-сонли умумтаълим мактаби;
11. Балиқчи туманидаги 260 ўқувчи ўринли 38-сонли умумтаълим мактаби;
12. Балиқчи туманидаги 240 ўқувчи ўринли 51-сонли умумтаълим мактаби;
13. Булоқбоши туманидаги 780 ўқувчи ўринли 2-сонли умумтаълим мактаби;
14. Жалақудуқ туманидаги 200 ўқувчи ўринли 12-сонли умумтаълим мактаби;
15. Жалақудуқ туманидаги 180 ўқувчи ўринли 44-сонли умумтаълим мактаби;
16. Жалақудуқ туманидаги 120 ўқувчи ўринли 45-сонли умумтаълим мактаби;
17. Избоскан туманидаги 376 ўқувчи ўринли 8-сонли умумтаълим мактаби;
18. Избоскан туманидаги 200 ўқувчи ўринли 41-сонли умумтаълим мактаби;
19. Избоскан туманидаги 300 ўқувчи ўринли 45-сонли умумтаълим мактаби;
20. Избоскан туманидаги 140 ўқувчи ўринли 47-сонли умумтаълим мактаби;
21. Қўрғонтепа туманидаги 200 ўқувчи ўринли 30-сонли умумтаълим мактаби;
22. Қўрғонтепа туманидаги 470 ўқувчи ўринли 43-сонли умумтаълим мактаби;
23. Марҳамат туманидаги 120 ўқувчи ўринли 8-сонли умумтаълим мактаби;
24. Пахтаобод туманидаги 380 ўқувчи ўринли 6-сонли умумтаълим мактаби;
25. Пахтаобод туманидаги 180 ўқувчи ўринли 21-сонли умумтаълим мактаби;
26. Пахтаобод туманидаги 240 ўқувчи ўринли 44-сонли умумтаълим мактаби;
27. Хўжаобод туманидаги 320 ўқувчи ўринли 16-сонли умумтаълим мактаби;
28. Хўжаобод туманидаги 415 ўқувчи ўринли 26-сонли умумтаълим мактаби;
29. Шаҳрихон туманидаги 430 ўқувчи ўринли 29-сонли умумтаълим мактаби;
30. Шаҳрихон туманидаги 456 ўқувчи ўринли 36-сонли умумтаълим мактаби;
31. Шаҳрихон туманидаги 220 ўқувчи ўринли 50-сонли умумтаълим мактаби;

Буюртмачи: Вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

(Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 45. Тел: 8-374-224-23-94).

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Буюртмачига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобилан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14 а-уй, тел/факс: (8-374) 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,
БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи: Касб-ҳунар коллежлари қурилиши, (калити билан).
1	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Водил қишлоғидаги 585/50 ўқувчи ўринли
2	Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғидаги 795/100 ўқувчи ўринли
3	Фарғона вилояти, Данғара тумани, Аравон (Катта Оқтепа) қишлоғидаги 615/50 ўқувчи ўринли

Муддати — 10.08.2009 йил.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон: 224-24-33.

Таъмирлаш ишлари давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Хоразм вилоят филиали кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликларини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини янада ривожлантириш учун молиявий маблағлар ажратишга алоҳида эътибор бермоқда.

Вилоятда 101 та қишлоқ фуқаролар йиғини мавжуд. Кичик бизнес субъектларига, хусусан, қишлоқ аҳолисига сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатишни таъминлаш мақсадида вилоятнинг барча туманларида банкнинг филиал ҳамда минибанклари ишлаб турибди. Ўтган йил давомида қишлоқ жойларида мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятларини таъминлайдиган қўшимча 5 та мини банк ва 2 та махсус касса ташкил этилди. Бугунги кунда банкнинг бешта филиали ва 14 та минибанки мавжуд.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ва ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан имзоланган битимга асосан вилоятнинг ҳар бир ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасасида битирувчи курс талабалари орасида тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиб, уларни микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишларини таъминлаш мақсадида семинарлар ўтказилди. Бунинг натижасида жорий йилнинг 6 ойи давомида 16 нафар коллеж битирувчисига ўз йўналишлари бўйича 16,0 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда 2008 йилнинг биринчи ярим йиллигида ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга микрокредитлар ажратишни ташкил этиш юзасидан ҳудудлар бўйича ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Улар томонидан давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектлари, микрокредит олишга муҳтож ёш тадбиркорларни алоҳида рўйхатга олиб, зарур тавсиялар берилди. 2008 йилнинг Ёшлар йили деб номланиши муносабати билан «Ёш тадбиркор томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови ўтказилди. 6 нафар ёш тадбиркор туман босқичида ғолиб бўлиб, вилоят босқичида Шовот тумани, Бешмерган қишлоғидаги якка тартибдаги тадбиркор дурадгорчилик фаолияти бўйича ғолибликни қўлга киритди. Мансур Матёқубов кўрик-танловнинг республика босқичида «Миллий ҳунармандчилик йўналишидаги энг яхши лойиҳа» номинациясида биринчи ўринни эгаллади.

«Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилоят филиалида 2008 йил 1 январь ҳолатига мижозлар сони 7920 та бўлиб, 2008 йил 1 июль ҳолатига 9362 тани ташкил қилиб, 6 ойда мижозлар сони 1442 тага кўпайди.

2007 йил 1 июль ҳолатига кредитлар қолдиғи 8,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йил 1 июль ҳолатига жами кредитлар қолдиғи 13,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 5,0 млрд. сўмга ортди. 2008 йил 6 ойи давомида банк филиаллари томонидан 554 та тадбиркорлик субъектларига 5 млрд. 543 млн. сўмлик микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатилди, яъни белгиланган режа 140 фоизга бажарилди. Шундан бошланғич сармояни шакллантириш учун 369 та тадбиркорга 483,7 млн. сўм, айланма маблағни тўлдириш учун 173 та тадбиркорга 1 млрд. 258,3 млн. сўм микрокредит берилди.

— Мен «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилоят Қоровул филиали мижозиман, — дейди Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида жойлашган «Гўзали Ҳулкар» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Камолиддин Ҳасанов. — Биз ўтган йилнинг кўкламида сутни қайта ишлаш заводини сотиб олиб, уни ривожлантириш мақсадида банкка мурожаат қилдик. Ҳужжатлар қисқа муддатда расмийлаштирилиб, ажратилган 24 миллион 500 минг сўмлик микролизинг маблағи эвазига заводни сотиб олдик. Янги технологик линия олиб келиб ўрнатдик. Шу йилнинг олти ойи ичида аҳоли ва турли ташкилот ҳамда муассасаларга 79 млн. 557,3 минг сўмлик сут маҳсулотларини етказиб бердик. Саккизта янги ишчи ўринлари ташкил этдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил 6 ойи давомида кам таъминланган оилаларга 179 млн. сўм, 22 та мижозга 621,8 млн. сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди. Соҳалар бўйича банк томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 677,3 млн. сўм, савдо ва воситачиликни тараққий эттириш учун 145,2 млн. сўм, қурилиш ва маиший хизмат учун 396,6 млн. сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 261,5 млн. сўм, бошқа соҳаларга 521,4 млн. сўмлик микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларга эса шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш ва зотли қорамоллар сотиб олиш учун ярим йил ичида 180 миллион сўм кредит ажратилди.

«Микрокредитбанк» дастлабки қадамлариданоқ аҳолининг турли табақалари билан ҳамкорликни йўлга қўя бошлаганди. Жумладан, оила бекалари бўлмиш хотин-қизлар банк учун ишончли ҳамкор бўлиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, уларга яхши шароитлар яратиб берилди. Негаки, тадбиркорликнинг барча соҳаларида хотин-қизлар масъулият ва маҳорат талаб этадиган, энг сермаҳсул вазифаларни бажариб келадилар. Ҳатто шундай йирик фабрика ва ишлаб чиқариш корхоналари борки, улар асосан хотин-қизларнинг меҳнати билан фаолият кўрсатади. Буни ҳисобга олиб, аёлларнинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор ибратли ишлар қилинди. Жумладан, банк филиали томонидан 2008 йил 6 ойи давомида 177 та аёл тадбиркорга 434,5 млн. сўм ажратилди. Натижада 2002 нафар хотин-қиз янги иш ўринларига эга бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилди ва мазкур соҳани ривожлантиришга 2008 йилнинг 6 ойи давомида 89 та тадбиркорлик субъектларига 300,2 млн. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди.

Тадбиркорлардан 15 нафари туман ва вилоят «Ташаббус — 2008» танловларида қатнашдилар. Ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилоят филиали «Энг яхши молиявий муассаса» номинацияси бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ва республика босқичида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятларини моддий қўллаб-қувватлаш ва истеъмол кредитларни ажратиш бўйича 2008 йилнинг 6 ойи давомида банк филиаллари томонидан 590,6 млн. сўмлик кредитлар ажратилди.

Банкдан ташқари, нақд пул айланмасини қисқартириш ва аҳолининг бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб этиш борасидаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Айни пайтда «Микрокредитбанк» тизимида жисмоний шахслар учун жозибали ва юқори фоизли бўлган 20 тадан ошиқ омонат турлари жорий қилинган бўлиб, жумладан, «Кумуш тола», «Ёшлик», «Навбаҳор», «Зафар», «Тақдим этувчига», «Коммунал люкс» каби омонат турлари мавжуд.

«Микрокредитбанк» АТБнинг асосий мақсади — кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✓ Истиқлол иншоотлари

Юртимизда «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Жойларда иқтидорли ёшларни кашф этадиган ва уларни қўллаб-қувватлашга, касб-ҳунарга бўлган қизиқишлари ошишига интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган шароитлар яратилмоқда. Баркамол авлодни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштирадиган Ёшлар марказлари қуриб фойдаланишга топширилаяпти. Андижон шаҳрида ҳам қад ростлаган ана шундай марказ шаҳарнинг чиройига чирой, кўркига кўрк қўшди.

«ЁШЛАР МАРКАЗИ»

Кўзларни қувонтирадиган муҳташам «Ёшлар маркази» ичкарисига кирганингизда, тартиб билан қўйилган мебель-жиҳозларни, замонавий ахборот-коммуникация воситаларини кўриб, дилингиз яйрайди. Марказнинг биринчи қаватида турли маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган учта кенг зал, 800 ўринли ресторан жойлашган. Иккинчи қаватдаги «Иқбол-таълим» ўқув марказида таълимнинг барча йўналишлари бўйича мукаммал билим берилади. Бу ўқув марказида бирйўла 360 нафар ёшлар сабоқ олишлари мумкин. Турли мавзудаги китоблар, газета-журналлар ва замонавий компьютер билан таъминланган ахборот-ресурс марказида бир вақтда 130 нафар йигит-қиз билимини ошириши учун барча шароит яратилган. Ёшларнинг интеллектуал билимини бойитиш учун алоҳида лингафон хонаси ташкил этилган. Шунингдек, бу қаватда чеварлик, пазандалик ва бошқа касб-ҳунар йўналишларида малака оширмоқчи бўлган ёшлар учун ихтисосга мос тарзда хоналар жиҳозланган.

«Ёшлар маркази»да бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Тез кунларда болалар хиёбони, 12 қаторли боулинг майдони ва том устида очиқ бассейн барпо қилиш ишлари ниҳоясига етади.

Ишончимиз комил, янги бунёд этилган «Ёшлар маркази» иқтидорли андижонлик ёшларга қанот бағишлайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Андижондаги «Ёшлар маркази» биноси; марказ фаолиятидан лавҳалар.*

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

✓ Бугунги гап

Олимларнинг аниқлашларича, ер курраси да мавжуд сувнинг атиги 3,5 фоизигина истеъмолга яроқли. Унинг ҳам қарийб ярми абадий музликлардан иборат. Шундай бўлса-да, инсоният ҳар доим ҳам тирикликнинг асосий манбаи ҳисобланмиш бу бебаҳо неъматнинг қадрига етавермайди, кўпинча уни ҳуда-беҳуда исроф қилади. Устига устак, экин-зорларни суғоришдаги хатоликлар, оби ҳаёт манбаларидан фойдаланишдаги хўжасизлик аҳволни баттар мураккаблаштирмоқда. Айниқса, саноатнинг жадал ривожланиши сувнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши ва ярми ифлосланишига олиб келмоқда. Масалан, ҳозир 1 тонна пўлат олиш учун 20 куб метр, 1 тонна қоғоз ишлаб чиқариш учун 200 куб метр, шунча миқдорда кимёвий толага эга бўлиш учун 4 миллион куб метр сув сарфланади. Иссиқлик ва атом электр станцияларида энергия ҳосил қилиш учун ишлатиладиган сувнинг 33 фоизи бутунлай йўқолиб кетади.



Тошкент вилоятида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва режалар хусусида

Энг ачинарлиси, одамзод сувнинг ифлосланиши ва камайишига йўл қўяётгани етмагандай, унинг табиий тикланиш жараёнини ҳам барбод қилаётир. Оқибатда ҳозир сайёрамизда яшовчи 6,3 миллиард аҳолининг олтидан бир қисми ичимлик сувига ёлчимаётир. Бу масала тобора кескинлашиб, глобал даражага кўтарилаётир. Мутахассисларнинг огоҳлантиришича, унинг олди олинмаса, истеъмолбоп сувнинг баҳоси ҳадемай нефтникидан ҳам ошиб кетиши мумкин. Шу боис, бошқа мамлакатлар қатори бизнинг юртимизда ҳам бу муаммони ижобий ҳал этишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Халқаро молиявий тузилмалар маблағларини жалб этган ҳолда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашга оид йирик лойиҳалар яратилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Бунга сўнгги вақтларда Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Дарвоқе, бултур вилоятдаги 82 қишлоқда сув таъминоти барқарорлаштирилди. 25 та қудуқ мукаммал таъмирланиб, 18 та янги қудуқ қазилди. 112 километр узунликдаги қувурлар, 150 га яқин насослар алмаштирилди. Шунинг баробарида, Президентимизнинг 2007 йил 9 октябрдаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги қарорларига мувофиқ, соҳадаги ишларни янада ривожлантиришнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда беш йил мобайнида 170 миллион долларлик иш бажарилиши, хусусан, 792 километрдан зиёд марказий, 2940 километрлик ички сув қувурларини янгилаш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

— Қатъий режа асосида иш юритиш ўз самарасини бераяпти, — дейди «Тошвилсувоқова» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Отахон Маҳмудов. — Чунончи, Паркент тумани маркази аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси ижобий ечим топди. Шаҳар ва тоғли Чанги қишлоғининг Номданак булоғи оралиғидаги 4 километрлик масофага маҳаллий аҳоли ҳамда корхона-ташкилотлар кўмагида пўлат қувурлар ётқизилиши натижасида 45 минг киши зилол сувдан баҳраманд бўла бошлади. Эндиликда Тошкент денгизидан Бекобод шаҳригача бўлган 105 километрлик масофага марказий сув қувури тортишдек яна бир катта ишга қўл урилаяпти. У амалга ошса, нафақат металлургларнинг шаҳрига, балки янги иншоот кесиб ўтадиган Пскент, Оққўрғон, Бўка ва Бекобод туманларидаги талай қишлоқларга ҳам тоза сув етказиб бериш имконияти кенгаяди.

Истиқболли лойиҳалар орасида Қуйи Чирчиқ туманлараро сув иншоотини реконструкция қилиш — ижтимоий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эгалиги билан аҳралиб туради. Сабаби, Чирчиқ дарёси сувини истеъмол учун яроқли ҳолга келтириб, Зангиота, Тошкент, Янгийўл ва Чиноз туманлари аҳолисига етказиб берадиган мазкур иншоот 45 йилча бурун қурилган. Шу боис, 27 та қудуқнинг ярмидан ортиғи ҳозир яроқсиз ҳолга келиб қолган. Аксариятининг сув ўтказувчи қисм(узв)лари лой ва бошқа чўкиндиларга тўлган. Боз устига, сув жамлаш ҳавзаларидан айримлари давр талабларига жавоб бермайди. Уларга уланган қувурлар ҳам умрини ўтаб бўлган. Оқибатда бу ердан узатилаётган оби ҳаёт истеъмолчиларга тўлиқ етиб бормаяпти.

Келгусида ушбу иншоот хорижий жиҳоз-техникалар воситасида тубдан замонавийлаштирилади. Шу жараёнда носоз қудуқлар ўрнига янгилари қазилади, фойдаланиш мумкин бўлганлари мукаммал таъмирланади. Иккита насос станциясидан Халқобод шаҳарчаси, Чиноз ва Зангиота тумани йўналишлари бўйлаб тортилган, жами узунлиги 34 километрга тенг йирик диаметрли қувурларнинг чириган қисмлари алмаштирилади. Айни мақсадлар учун Хитой ҳукумати имтиёзли қарз сифатида ажратадиган 27 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя сарфланади. Пировардида, тўртта туман аҳлини ичимлик сув билан таъминлаш аввалгига нисбатан 20-30 фоиз яхшиланиб, 300 мингдан зиёд кишининг эҳтиёжи қондирилади. Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, Қибрай туманидаги «Қодирия» сув иншоотини модернизациялаш ҳам бекиёс моҳият касб этади.

Яна бир муҳим гап. Бугунги кунда вилоят аҳолисининг қарийб бешдан икки қисми, аниқроғи, бир миллионга яқини шаҳарларда яшамоқда. Қолаверса, ҳудудда юзга яқин йирик саноат корхонаси, кўплаб ташкилот ва муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Табиийки, бу коммунал хўжаликлар зиммасига ўзига хос масъулият юклайди. Оқова сувларни овлоқ жойларга чиқариб, соғлом турмуш манбаларини ифлослантирмайдиган, юқумли касалликлар келтириб чиқармайдиган, табиат таровати ва мувозанатини бузмайдиган даражага келтиришни тақозо этади.

Чет эл инвестициялари жалб этилиши ўз самарасини бермоқда. Ҳадемай олдинги қурилмалар сафига «Чимён-Чорвоқ» дам олиш зонасидаги санаторий-пансионатлар, корхоналар, ташкилотлар ва хонадонлар канализация тармоқларини Бақачўл коллекторига бирлаштирувчи янги трасса қўшилади. Айни мақсадда иккала ҳудуд ўртасидаги тоғу тошдан иборат беш километрлик масофага қувур ётқизилади ва у Чирчиқ шаҳри томон энган катта канализация тармоғига уланади. Бу ўз-ўзидан кимёгарлар ва машинасозлар диёридаги коммунал тозалаш шохобчалари фаолиятини кенгайтиришни талаб қилади. Шунга кўра, улар технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, бир кеча-кундузлик қуввати 80 минг куб метрдан 130 минг куб метрга етказилади. Оқова сувлар босқичма-босқич зарарсизлантирилади. Дастлаб энг майда қум зарраларини ҳам тутиб қоладиган тиндиргичларда қайта-қайта фильтрланади. Кейин махсус ҳавзаларда биологик ишловдан ўтказилади. Шундан сўнггина дарёга оқизиб юборилади.

Шубҳасиз, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш йўлидаги бундай ишлар сувимиз тозалиги, тупроғимиз беғуборлиги, ҳавомиз мусаффолиги жаҳон экология-санитария андозалари талаблари даражасига кўтарилишида муҳим омил бўлади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
журналист.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 849
8129 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.20
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

NBU
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Миллий валютадаги «Янгилик» муддатли депозити бўйича ютуқлар тиражи ўтказилишини маълум қилади:

- ютуқлар тиражи 2008 йил 25 сентябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади;
- 100.000 сўмдан 1.000.000 сўмгача бўлган пул ютуқлари ўйналади;
- ютуқлар суммалари совриндорларнинг омонат ҳисобварақларига киритилади.

Қўшимча маълумот олиш учун 234-14-14 рақамли телефон орқали
Пул муомаласи бош бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.

Бобур халқаро хайрия жамғармаси томонидан чиқарилган баҳоси 200 сўм қийматидаги «Бахт қуши» лаҳзалик пул-буюм хайрия лотереясининг 9-чиқариш ўйинлари тугатилганлиги муносабати билан ютуқли билетлар 2008 йил 25 декабрга қадар қабул қилинади. Кечиккан ютуқ соҳибларига ютуқлар тўланмайди.
Бобур халқаро хайрия жамғармаси

✓ Футбол

«БУНЁДКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

Кеча Осиё чемпионлар лигаси баҳсларининг чорак финал жавоб учрашувида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Эроннинг «Сайпа» футболчиларини йирик ҳисобда мағлуб этиб, ярим финалга йўлланма олди.

Бундан бир ҳафта илгари ушбу жамоаларнинг Теҳронда ўтказилган дастлабки ўйинида 2:2 ҳисобида дуранг натижа қайд қилинганди.

«Бунёдкор» жамоаси ўз майдонида янада ҳужумкор футбол намойиш этиб, йирик ҳисобда зафар қучди — 5:1. Учрашувда чилилик легионер Хосе Луис Вильянуэва «хет-трик»ка эришган бўлса, бразилиялик Луизано ҳамда Ривалдолар биттадан тўпга муаллифлик қилишди. Шундай қилиб, Миржалол Қосимов охирги маротаба бош мураббий сифатида майдонга бошлаб чиққан «Бунёдкор» футболчилари Осиё чемпионлари лигасининг ярим финал учрашувига йўлланмани қўлга киритди. Тошкентликларнинг «Сайпа» жамоаси билан ўтган ушбу учрашувини «Бунёдкор» футбол клубида бош мураббий бўлиши кутилаётган таниқли мутахассис бразилиялик Зико кузатиб борди.

Энди ҳамюртларимиз 8 ва 22 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган ярим финал баҳсларида Австралиянинг «Аделаида Юнайтед» жамоасига қарши майдонга тушадилар. Австралияликлар чорак финалда Японияннинг «Кашима Атлерс» футболчиларидан икки ўйин натижасига (1:0, дастлабки учрашув — 1:1) кўра, устун келишганди.

Эркин ХОЛБОБО

ҲАКАМ ФУТБОЛДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Ўзбекистон Футбол федерацияси Ҳакамлар ва назоратчилар қўмитасининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон XVII миллий чемпионати 20-туридан жой олган ОТМК (Олмалиқ) — «Пахтакор» (Тошкент) жамоалари учрашувини бошқарган гулистонлик Қаҳрамон Йўлдошевнинг ҳакамлик савияси бўйича назоратчи Ғайрат Каримов томонидан қўйилган баҳо борасидаги аппеляцияси ҳамда ОТМК футбол клубининг шикояти кўриб чиқилди.

Рустам Акрамов бошчилигидаги қўмита аъзолари ўйин видеоёзувини қайта кўриб чиқиб, учрашув бош ҳакамининг кўплаб қўпол хатоларга йўл қўйганликларига амин бўлишди. Шунингдек, учрашувнинг 87-дақиқасида ОТМК жамоаси киритган голни ҳакам инобатга олмаган. Натижада қўмита аъзолари бир овоздан гулистонлик Қаҳрамон Йўлдошевни ЎФФ ҳакамлари рўйхатидан ўчириш билан бирга, мамлакат чемпионати ва биринчилиги, Ўзбекистон кубоги баҳсларига мутлақо жалб қилмасликка қарор қилдилар.

Меҳнат фахрийси Нажмиддин Холиқовга турмуш ўртоғи **Маликахон**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирамиз.
Бир гуруҳ дўстлари.

ҲУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР !
СИЗГА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШАЯПТИМИ? СИЗГА КАТТА МАОШ ВАЪДА БЕРИШАЯПТИМИ? АЛДАНИБ, ҚУЛЛИККА СОТИЛИБ КЕТИШИНГИЗ МУМКИНЛИГИНИ УНУТМАНГ !

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлари вазирлиги
(371)233-22-33

КУЛЛИККА РОЗИ БЎЛМАНГ!

Мурожаат учун телефонлар:
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
(371)239-43-88

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ